

Обязательный
экземпляр

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси



Тошкент – 2013



НО 42253
001

2014/14 А 1173	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	--



«Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади».

***Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти***

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
биринчи мажлисидаги маърузадан.
2005 йил 27 январь)





КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрда давлат мустақиллигини эълон қилганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва режали-таксимот тизимидан воз кечиб, «Ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

«Ўзбек модели»нинг асосий маъно-мазмун — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иктисодиётни мафкурадан ҳоли этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлат зиммасига бош ислохотчи вазифасини юклаш, қонун устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иктисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш миллий кадриятларни, ўзбек халқининг бой тарихини, жаҳон ҳамжамиятининг демократик тажрибаси ва ютуқларини инобатга олган ҳолда тадрижий тараққиёт усулида амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўтказилган ислохотлар давлат ҳокимияти бўлинишининг конституциявий принципини изчил амалга ошириш, давлат ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатларини ва назорат вазифалари ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида миллий парламентни шакллантириш бошланди.

Ўзбекистон парламенти фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакат иктисодиётида амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришларни қонун йўли билан таъминлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг банк-молия тизимини ривожлантириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Халқнинг турмуш фаровонлигини оғишмай ошириб бориш, аҳолини иш билан таъминлаш, кенг қўламли ижтимоий-иктисодий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш каби ўта муҳим масалалар парламент аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Парламент суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш борасидаги кенг микёсли ишларга ҳам катта ҳисса қўшди. Сўнгги беш йил ичида шу соҳага оид 60 дан ортиқ қонун қабул қилинган бўлиб, уларга мувофиқ суд-ҳуқуқ тизими ислох этилди. Адвокатура институти ислох қилинди, жиноий жазо тизими либераллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иктисодий ислохотларнинг қонунчилик йўли билан пухта таъминланиши жаҳон молиявий-иктисодий инкирозининг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирознага қарши чоралар дастури муваффақиятли рўёбга чиқарилишига кўмаклашди. Бинобарин, бу Ўзбекистонга дунёдаги санок-

ли мамлакатлар каторида иктисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини ва аҳолининг реал даромадлари ошишини таъминлаш имконини берди.

Ҳозирги кунда айтиш мумкинки, доимий фаолият кўрсатувчи, қонунлар ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи орган сифатида парламентнинг Қонунчилик палатасини ҳамда минтакаларнинг манфаатларини тўлик ва ҳар томонлама ифодаловчи ҳудудий вакиллик органи сифатида юқори палата – Сенатни шакллантириш борасидаги асосий вазифалар муваффақиятли ҳал этилди.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатини ошириш ва уларни асослантириб бериш борасидаги ишлар жиддий яхшиланди, умумдавлат ва минтакавий манфаатлар мувозанати янада самарали таъминланмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг икки палатали профессионал парламенти кенг миқёсли ислохотларни ишончли амалга оширувчи, жамоатчилик фикрининг барча қирраларини кенг ифода этувчи ҳақиқий демократик ҳокимият институтига айланди.



ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикасининг қонун чикарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддаси) тарихи куйидаги ривожланиш даврларига бўлинади.

Биринчи давр: 1991–1994 йиллар.

500 нафар депутатдан иборат Олий Кенгаш — бир палатали қонунчилик органи Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимини ислоҳ қилиш ва мустақиллигини қарор топтириш шароитидаги ўтиш даврида фаолият кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган: «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунни, Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясини, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларни ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилди.

Бу қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқарувининг мураккаб янги органларини ташкил этишининг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик жамият қуришининг ҳуқуқий негизига айланди.

Марказий ижро этувчи ҳокимият бошқарув тузилмалари ва маъмурий органлар вазифа-



ларини ўзгартиришга, уларнинг бошқарув, тартибга солиш ва таксимот ваколатларини, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувини тубдан қисқартиришга, иктисодиётни бошқаришда давлат ролини камайтиришга ҳам катта эътибор қаратилди.

Иккинчи давр: 1995–2004 йиллар.

Олий Кенгаш ўрнига бир палатали парламент — Олий Мажлис шакллантирилди. У сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан сайланган 250 нафар депутатдан иборат эди.

Олий Мажлис XXI аср бошида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегик дастурини амалда рўёбга чиқаришга, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг икки палатали профессионал парламентининг ҳуқуқий асослари яратилди.

2002 йил 27 январда икки палатали миллий парламент ташкил этиш тўғрисидаги масала юзасидан ўтказилган референдум яқунлари, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонунчилик ҳокимиятини чуқур ислоҳ этиш асосини белгилаб берди.

Учинчи давр: 2005 йилдан бошлаб ҳозирги вақтга қадар.

2003 йилда қабул қилиниб, янги парламент ҳар бир палатасининг макомини, ваколатлари ва фаолият кўрсатиш механизмларини белгилаб берган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар миллий парламентни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

2004 йилда биринчи марта сайланган икки палатали парламент – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2005–2012 йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган 350 дан ортиқ қонун қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида киритилган таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг мантикий давоми бўлди. Концепцияда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичи ва мустақиллик йилларида Ватанимизда эришилган улкан ютуқлар инобатга олинган ҳолда Ўзбекистонда модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг аниқ ва чуқур асослантилган дастури баён этилган. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг олтига устувор йўналишини илгари сурди. Давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, сиёсий партиялар ролини оширишга, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ, сайлов тизимларини такомиллаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим аҳамиятга молик қонунчилик ташаббуслари билан чиқди.

Концепцияни амалда рўёбга чиқариш мақсадида Олий Мажлис 2011 йилнинг апрелида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунни қабул қилди. Мазкур Қонун билан Бош вазирни тайинлашнинг янги механизми жорий этилди. Энди Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципага асосланган давлат ҳокимияти тизимига нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилганлиги ушбу Қонундаги муҳим янгиликдир. Бу шундай механизмки, унга мувофиқ Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда Қонунчилик палатаси депу-

татлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.


Мазкур институт қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишида парламент ваколатларини кенгайтириш мақсадида киритилган бўлиб, мамлакат сиёсий тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини оширишга, шунингдек қонунлар оғишмай ва сифатли бажарилиши учун ҳукуматнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилгандир.




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ТАРКИБИ

Қонунчилик палатаси 150 нафар депутатдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 135 нафар депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида

умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади.




Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР





Мустақиллик йилларида Ўзбекистон парламентида хотин-қизларнинг депутатлар умумий сонига нисбатан ҲОИЗЛАРДАГИ ВАКИЛЛИГИ



* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ (22-модда) хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз ҲОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ КЕРАК.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ВАКОЛАТЛАРИ

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари белгиланган бўлиб, улар 21 банддан иборат. Ушбу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини, маъмурий-худудий тузилишини белгилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларни эшитиш ва муҳокама қилиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар қиради: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ТУЗИЛИШИ

Қонунчилик палатаси Спикери сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чакиради, уларда раислик қилади; Қонунчилик палатаси муҳоқамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади; Қонунчилик палатаси кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади; Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади. Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллаши ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, коида тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата кўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида тузилади.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раислари қиради.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.



Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши





Қонунчилик палатаси қўмиталари ўз фаолиятини қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш мақсадида амалга оширади. Қонунчилик палатасининг қўмиталари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда шакллантирилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 11 та қўмитаси ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлиб, улар мамлакат фаолиятининг барча тармоқларини: ижтимоий-иқтисодий, қонунчилик, суд-ҳуқуқ, маънавий-сиёсий, халқаро ва бошқа муҳим йўналишларни қамраб олади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари: ўз ташаббусига кўра ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ҳамда ўз ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатасининг бошқа қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади; қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқиш ишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади; қонун лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига қиритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки уни асосланган ҳолда рад этиш тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига таклифлар киритади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат оюджети лойиҳасини юзасидан хулосалар ва таклифлар беради.

20.12.24
А
1173
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK 17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ҚЎМИТАЛАРИ

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
қўмитаси

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси

Меҳнат ва ижтимоий масалалар
қўмитаси

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари
қўмитаси

Халқаро ишлар ва парламентлараро
алоқалар қўмитаси

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари
қўмитаси

Аграр ва сув хўжалиги масалалари
қўмитаси

Фан, таълим, маданият
ва спорт масалалари қўмитаси

Демократик институтлар, нодавлат
ташкilotлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари қўмитаси

Ахборот ва коммуникация технологиялари
масалалари қўмитаси

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза
қилиш масалалари қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталари ҳузурида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик эксперт гуруҳлари фаолият кўрсатади, уларнинг таркибига давлат бошқаруви органлари, илмий жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING КОМИССИЯЛАРИ

Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар орасидан комиссия тузиши мумкин. Комиссия Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар орасидан комиссия раиси, унинг аъзолари, зарурат бўлганда эса, раис ўринбосаридан иборат таркибда шакллантирилади.

Қонунчилик палатаси комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қонунчилик палатасининг комиссия тузиш тўғрисидаги Қароридан комиссиянинг номи, мақсади ва вазифалари, сон жиҳатдан таркиби ва фаолият кўрсатиш муддати (олдиндан белгилан-

ган вақт ёки муайян вазифаларни бажариш учун белгиланган вақт), комиссиянинг ваколатлари, комиссия ишини таъминлашга доир тадбирлар белгилаб қўйилади.

Ҳозирги вақтда Қонунчилик палатасида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилган бўлиб, мазкур Комиссия қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларнинг ўз маъно-мазмунига мувофиқ бир хилда ва тўғри қўлланилишини, қонун лойиҳаларида адабий тил қоидалари ҳамда нормалари талабларига, юридик, техник ва бошқа махсус қоидаларга аниқ риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАЛАРИ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга мувофиқ депутатлар сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси таркибига сайланган депутатлар депутатлар гуруҳини тузишга ҳақли. Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга.

Фракция ва депутатлар гуруҳи: Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритишга; Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланишга; ке-

лишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўйишга; Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этишга; Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатишга; палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этишга; Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритишга; ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан Қонунчилик палатаси мажлисида эшитиш тўғрисида масала қўйишга; фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олишга; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳақли.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринини эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади. Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта фракциялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида
тўртта сиёсий партия фракцияси ва битта Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан
сайланган депутатлар гуруҳи рўйхатга олинган**



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
вакиллари 53 нафар депутат



Ўзбекистон Халқ демократик партияси
вакиллари 32 нафар депутат



Ўзбекистон «Миллий тикланиш»
демократик партияси
вакиллари 31 нафар депутат



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
вакиллари 19 нафар депутат



Ўзбекистон Экологик ҳаракати
вакиллари 15 нафар депутат

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ парламент қўйи палатаси ўзининг назорат қилиш ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифалари юзасидан ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади; Қонунчилик палатасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотини эшитади; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг йил яқунлари бўйича ижроси ва йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг

бориши ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборади.


Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини; сиёсий партияларнинг улар фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ДЕВОНИ

Қонунчилик палатасининг девони ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши қарорларига, Қонунчилик палатаси Спикерининг фармойишлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги низомга амал қилади.

Қонунчилик палатаси девонининг асосий вазифаси палата ўзининг конституциявий вазифаларини бажариши учун зарурий шарт-шароит яратишдан, бошқача айтганда, унинг фаолиятини ташкилий, ахборотга оид, шунингдек моддий-техник жиҳатдан таъминлашдан иборат. Девон бевосита Спикернинг, унинг ўринбосарлари ва Девон раҳбарининг раҳбарлиги остида ишлайди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН)

«Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Вакил – мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошқоралик, ҳар бир киши учун очикликдир.

Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти хорижий омбудсманлар, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар билан алоқаларни чуқурлаштириш, шунингдек инсон ҳуқуқлари масалаларига доир халқаро анжуманларда иштирок этиш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, хорижий мамлакатлар омбудсманлари ва чет эл фуқароларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир муносабатларини кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси, бир катор нуфузли халқаро ва минтакавий ташкилотларнинг, давлатлараро мулоқот ва ҳамкорлик иштирокчисидир. Жаҳоннинг етакчи давлатлари ва бирлашмалари билан муносабатларни жадал ривожлантира бориб, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатига изчил қўшила бориб, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳар қандай давлат ташки сиёсатининг асосий вазифаси – ўз ички сиёсати вазифаларини ҳал қилиш ҳамда пировард мақсадларини амалга ошириш учун энг қўп даражада қулай ташки сиёсий шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсати миллий манфаатларни амалда рўёбга чиқаришга ва давлатимизнинг барча давлатлар билан ҳамкорлик қилиш учун очик бўлган барқарор шерик сифатидаги ижобий имиджини яратишга қаратилгандир.

Глобал савдо-иқтисодий ҳамда валюта-молиявий муносабатларда тенг ҳуқуқли ва самарали иштирок этиш мақсадида мамлакатимиз иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш орқали жаҳон иқтисодиётида адолатли ва демократик жараёнларни шакллантиришга фаол қўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг конституциявий механизми халқаро муносабатлар соҳасидаги ишларни олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ваколат берилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг фаолиятдан иборатдир. Бундай конституциявий механизмнинг ҳуқуқий асосини ҳам Президентнинг, ҳам парламентнинг ташки сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ваколатлари ташкил этади. Бундай ваколатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати ҳокимиятнинг бўлиниш принципини акс эттиради ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими талабларига жавоб беради.



АҚШ Конгресси делегациясининг таширифи



Буюк Британия парламенти делегациясининг таширфи

2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нуктаи назаридан баҳо берилган, давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари, принциплари, вазифалари ва устувор йўналишлари белгиланган. Шунингдек Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантириш жараёни ва уни амалга ошириш механизмлари очиб берилган.

Парламентнинг ташқи сиёсий роли давлат ҳокимияти ушбу олий органининг қонунчилик ва вакиллик хусусиятига асосланиб белгиланади. Парламент Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 78-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, парламентнинг парламентлараро фаолият билан боғлиқ ваколатлари гуруҳини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Парламент қонунчилик вазифалари доирасида қонунлар қабул қилиш орқали ташқи сиёсий муносабатларнинг барча жабҳаларига таъсир кўрсатади, мамлакат хавфсизлигига ва мудофаа қобилиятига, унинг халқаро ташкилотларда иштирокига боғлиқ шароитлар яратади.

Халқаро ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ҳам Қонунчилик палатаси фаолиятининг йўналишларидан биридир.

Хорижий мамлакатларнинг парламент вакиллари билан парламентлараро ҳамкорликни



Саудия Арабистони Қирóлиги Маслаҳат Кенгаши Раиси бошчилигидаги делегациянинг таширифи

янада чуқурлаштириш мақсадида куйидаги тузилмалар ташкил этилган:

«Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги кўмитаси;

Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича Олий Мажлис гуруҳи;

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – Япония Парламенти» гуруҳи;

«Ўзбекистон – Италия» ҳамкорлик гуруҳи;

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича Олий Мажлис гуруҳи;

«Ўзбекистон – Латвия» ҳамкорлик гуруҳи;

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Қонунчилик палатаси ва Франция Республикасининг Миллий мажлиси ўртасида ташкил этилган «Ўзбекистон – Франция» дўстлик гуруҳи.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси Италия Парламенти Депутатлар палатаси ва Латвия Сазйми билан меморандумларни имзолаган.

Шунингдек, турли дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Қонунчилик палатаси БМТ Тараққиёт Дастури, Европа Иттифоқи комиссияси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби ташкилотлар, Бутунжаҳон банки бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади. Шу билан бирга, Германиянинг К. Аденауэр ва Ф. Эберт номли фондлари, АҚШ Миллий демократик институти ваколатхонаси, Словениянинг «Минтакавий мулоқот» халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик ҳам самарали бўлмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Қонунчилик палатаси Кенгаши «Халқ сўзи», «Народное слово», «Нурлы жол», «Овози тожик» газеталарининг ҳаммуассисидир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси» ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида нашр этилади.

Қонунчилик палатасининг www.parliament.gov.uz расмий веб-сайтида ҳар куни парламент фаолияти тўғрисидаги ахборот ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари парламент ҳаёти ҳақида ўз вақтида ахборот олиши ва бу ахборотни аҳолига етказишини,

ушбу соҳадаги профессионал ёндашувни таъминлаш ҳамда парламент фаолиятини ёритишда журналистларга қўмаклашиш мақсадида Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати фаолият кўрсатмоқда. Қонунчилик палатаси ҳузурида газеталар, журналлар, теле- ва радиоканаллар таҳририятларининг, ахборот агентликлари ва Интернет-нашрларнинг 200 нафарга яқин вакиллари аккредитациядан ўтказилган.

Оммавий ахборот воситаларида парламент фаолияти тўғрисидаги материаллар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Махсус рукнлар, «Парламент вақти» («Ўзбекистон»



«Парламент журналистлари клуби»нинг йиғилиши

телеканалли), «Парламент соати» (NTT телеканалли) кўрсатувлари, «Парламент фаолияти» («Ўзбекистон» радиоканали) эшиттириши ташкил этилган.

Қонунчилик палатаси ҳузуридаги «Парламент журналистлари клуби» ташкил этилган ва ўз фаолиятини Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати кўмагида амалга оширади.

Парламентнинг кундалик ҳаётида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун кўмиталарнинг ҳамда депутатлар бирлашмасининг журналистлар билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот шаклидаги матбуот анжуманлари, брифинглари ва учрашувлари ўтказиб турилади.

Сайловчиларга қулай бўлиши учун Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида интерфаол хизмат — он-лайн қабулхона шаклида «Сайловчилар билан мулоқот» бўлими ишлаб турибди, у орқали фуқаролар ўз депутатларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари мумкин. Ҳаммага маълум бўлиши учун веб-сайтга ҳафталик тадбирларнинг календарь жадвали (режаси) жойлаштириб борилаётганлиги жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларига парламент ҳаёти ва фаолиятдан хабардор бўлиб туриш имкониятини яратди, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари» бўлимида эса Ўзбекистон парламенти томонидан қабул қилинган янги қонунлар билан танишиш мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИНОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биноси 1997 йилда барпо этилган бўлиб, у Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида жойлашган.

Қонунчилик палатасининг биноси киноконцерт зали, Абулкосим мадрасаси, Алишер Навоий ёдгорлик мажмуини ўз ичига олувчи меъморий ансамблга уйғунлашиб кетади.

Бинонинг ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги меъморларни мумтоз тамойилларни кўллашга, иш кўламини гумбаз ва бинонинг бутун тўрт томони бўйлаб устунлардан фойдаланилган марказий композиция тарзида ҳал этишга чорлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносининг асосий олд томони Бунёдкор шох кўчаси тарафга қаратилган. Унда олд томон элементлари билан бир қаторда ер усти даражасида пластика, рельеф меъморчилиги ишлатилган, кенг зинапоялар, сув ҳавзалари барпо этилган. Тўрт тарафдаги устунлар олтинранг ойнаванд деворлар билан уйғунлашиб,

меъморчиликнинг аниқ график манзарасини яратади. Бинонинг олд томонлари бир хилда қад ростлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг катта мажлислар залига макон яратган ёрқин гумбазни намоён этиб туради.

Фавворалар, ажойиб сув ҳавзалари, кенг хиёбонлар ва айниқса, баланд устунлар, мағрур хилпираётган байроқ ўрнатилган улкан зангори гумбаз — буларнинг барчаси Ўзбекистон халқининг сахий ва меҳрибон қалби, беғубор ва соф туйғуларини мадҳ этувчи рамзлардир.

Қонунчилик палатаси биносининг асосий зали иккинчи қаватда жойлашган бўлиб, у бино режали композициясининг ядросидир. Думалок амфитеатрдан иборат бу залнинг бир қисмида Раёсат ҳамда сўзга чикувчилар учун минбар жойлаштирилган.

Зал уч қаватли бўлиб, унинг диаметри 34 метр, баландлиги 32 метр. Гумбазнинг





зарҳал бериб ишланган нақшлари халқ усталари ва «Усто» бирлашмаси рассомлари томонидан бажарилган. Марказий қандилнинг баландлиги 10 метр, диаметри 7,5 метр бўлиб, уни 600 та чирок ёритиб туради. Қандил ОНИКС («Миконд») заводи усталари томонидан биллур бўлаклари ва зарҳалдан

ишланган бўлиб, унинг оғирлиги 4,5 тоннани ташкил этади.

Квадрат шаклидаги бинонинг томонлари 86 метрдан бўлиб, уларга баландлиги 18 метрли 36 та устун ўрнатилган.

Пастки қаватда ишчи хоналардан ташқари иккита зал, биринчи қаватда эса Қонунчилик





Қонунчилик палатасининг тадбирларини ўтказиш зали

палатаси тадбирларини ўтказиш ва парламент гуруҳларининг иши учун ҳар бири 50 ўринли бешта зал мавжуд. Заллардан бири парламент делегацияларини қабул қилиш учун, бир зал эса Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлисларини ўтказиш учун мўлжалланган.

Қонунчилик палатасининг биноси миллий меъморчиликнинг энг яхши анъаналари асосида, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятларидан олиб келинган ноёб қурилиш материалларидан фойдаланиб бунёд этилган.







УДК 323(575.1)
КБК 67.400.6(5Ў)
Ў32

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
Тузувчилар: О. Ўсаров, А. Тўхташев, Ф. Ким, С. Жўраева. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 36 б.
КБК 67.400.6(5Ў)

Мусаххихлар: Н. Толипов, Д. Жуматова

Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй.
inform@parliament.gov.uz www.parliament.gov.uz
тел.: (+998 71) 239-87-63

«Baktria press» МЧЖ
лицензия АИ № 203 28.08.2011 й., АИ № 229 16.11.2012 й.
Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли 15/25
тел.: (+998 71) 233-23-84

Босишга рухсат этилди 25.10.2013 й.
Офсет босма усулида босилди.
Адади 500.

Mega Basim босмаҳонасида чоп этилди
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey
www.mega.com.tr



Мазкур проспект БМТ Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастурининг «Парламент ривожланишини кўллаб-қувватлаш» лойиҳаси кўмаги асосида нашр этилди. Ушбу нашрда баён этилган мулоҳазалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шу жумладан БМТ ТД ёки БМТга аъзо давлатларнинг нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

ISBN 978-9943-4064-7-6